

Interdisciplinary Conference of Young Scholars in Social Sciences

ГРЕК ЁНГОФИ (JUGLANS REGIA) МЕВАСИ АСОСИДА КОНЦЕНТРАТЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ

Холмурзаева Раъно Мухаммаджон қизи

Тошкент кимё технология институти Янгиер филиали талабаси

Донабеков Умид Тўйчи ўғли

Жizzах политехника институти талабаси

Ахмедов Али Усмонович

Жizzах политехника институти доценти

Аннотация: Мақолада грек ёнгофи (*juglans regia*) меваси тадқик этилган ва у асосида витаминалар ва йод элементига бой концентратлар технологияси ёритилган

Калит сўзлар: Грек ёнгоғи, тур ва нави, Гвардейский, Гибридний, Антика, Ўзбекистоннинг эртаги ёнгоғи, Юбилейний, пўст, мағиз, довучча, парда, концентрат, технология.

Грек ёнгоғи табиий шароитда Хитойнинг марказий туманларидан Болқон ярим оролигача бўлган худудларда етиширилади. Европа, Осиё, Африка, Америка, Австралия қитъаларида маданийлаштирилган грек ёнгоғи мағизи таркиби қўйидагича (% да): мой 44,0-77,0, оқсил 12,0-25,0, углеводлар 5,0-25,0, кул моддалар 1,6-1,9 [1,2].

Грек ёнгоғи ёввойи ва маданийлашган ҳолда Ўрта Осиёда, Кавказорти мамлакатларида, Молдовада, Украина ва Узоқ Шарқда ўсади. Мевасининг ўлчамларига қараб, йирик, ўрта ва майда турларга бўлинади. Ўзбекистон шароитида ёнгоқдошлар оиласига мансуб сершох, баланд ва забардаст дараҳт бўлган грек ёнгоғининг Гвардейский, Гибридний, Антика, Ўзбекистоннинг эртаги ёнгоғи, Юбилейний каби навлари ўстирилади.

Грек ёнгоғи қисмларида йод элементининг тўпланишини ўрганиш учун объект сифатида ёнгоқ довуччаси, қобиғи, мағизи ва мағиз орасидаги пардалар танланди. Маълумки, ёнгоқнинг эртаги навлари довучча ҳосил қилишидан бошлаб, то мағзи тўла пишиб етилгунича 120 кун ўтади. Шунинг учун ёнгоқ довуччаси 5 кунлик бўлганидан бошлаб, ҳар 15 кунда таркибидаги йод миқдорини ўрганиш максадида мевадан намуналар олинди ва уларнинг тегишли қисмлари таркибидаги йод миқдорини ўрганиб чиқдик (1-жадвал) [3,4].

1-жадвал Ёнгоқ қисмларида йод тўпланиш динамикаси (мг/кг ҳисобида)

№	Етилиш кунлари	Грек ёнгоғи қисмлари			
		Довуччаси	Қобиғи	Мағизи	Пардаси
1.	5	18,9	*	*	*
2.	20	24,4	*	*	*
3.	35	24,8	*	*	*
4.	50	23,2	*	*	*
5.	65	21,7	10,8	*	*
6.	80	*	11,7	0,33	0,44
7.	95	*	12,3	0,31	0,38
8.	110	*	12,1	0,18	0,27
9.	125	*	11,9	0,18	0,19

*Изоҳ: * - Ёнгоқнинг мазкур қисми шаклланмаган.*

Interdisciplinary Conference of Young Scholars in Social Sciences

Жадвалдан күриниб турибдики, ёнғоқ меваси ҳосил бўлишидан 50 кун ўтгунича, унинг довуччасида йод элементи тўпланиши жадал боради. Довучча катталашиб, ёнғоқ етилиб боргани сари, ёнғоқнинг ташқи қобиги қотиб, пўстлоқ шакллана бошлади. Шу даврдан бошлаб ёнғоқ мевасини довучча деб эмас балки, ёнғоқ сифатида қабул қилинади. Саксонинчи кундан бошлаб ёнғоқ мевасининг ички қисмида мағиз пайдо бўлсада, ҳали у юмшоқ ва парда орқали ажралмаган бўлади. Пўстлоқда йод элементининг тўпланиб бориши яққол намоён бўлади. Ёнғоқнинг бу қисмида йод тўпланиши мева З ойлик бўлгунича давом этиб, сўнг тўхтаб қолади. Ёнғоқ мағизида ва ички пардасида эса йод тўпланиши жуда суст боради.

Демак, йодсақловчи концентрат сифатида ёнғоқ мевасининг 35-50 кунлик довуччаси ва 95-125 кунлик қобиги хизмат қилиши мумкин. Йодсақловчи концентрат сифатида ёнғоқ довуччаси ва қобигини қуритиб сақлаш амалий жиҳатдан мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Мазкур масалани ҳал қилиш учун иссиқ ҳаво оқимида намуналарни қуритиб, ундаги қуруқ модда ва йод микдорининг ўзгариш динамикасини ўргандик. Тадқиқот объекти сифатида 35-50 кунлик ёнғоқ мевасининг довуччаси ва 95-125 кунлик меваси олинди. Намлиги 76 % бўлган ёнғоқ меваси довуччаси тадқиқ этилганида 24,4 мг/кг микдорида, намлиги 72 % бўлган мева қобигида эса 12,3 мг/кг микдорида йод элементи мавжудлиги аниқланди [5].

Йодсақловчи концентратларни 60, 65, 70, 75 ва 80 °С ли иссиқ ҳаво оқимида, микробиологик бузилиш олдини олиш мақсадида, намлиги 8 % бўлгунича қуритдик. Қуритиш давомида хом ашё таркибидаги йод элементининг микдорини аниқлаб турдик. Грек ёнғоғи довуччалари ва қобигини турли ҳароратларда 4 соатлик интервал билан 48 соат давомида қуритдик ва таркибидаги йод элементи микдорининг камайиш динамикасини кузатдик.

Ёнғоқ довуччаси ва қобигини қандай ҳароратда қуритганда ҳам, йод элементи микдори камайиши кузатилди. Юқори ҳароратда (75-80 °С) қуритганда эса хом ашёда йод умуман қолмади. Бундан мевалардан йодсақловчи концентрат тайёрлашда қуритиб ишлатиш мақсадга мувофиқ эмас, деган хulosага келдик.

Таркибида қанд концентрациясини турлича, яъни 40, 50, 60, ва 70 % қилиб, концентратлар тайёрладик. Концентратларни пишириш вақтини қайнаб чиққанидан сўнг, 20, 30, 40 ва 50 минут қилиб белгиладик. Концентрат таркибида йод элементи йўқолишини иложи борича камайтириш мақсадида, пишириш жараёнини паст ҳароратда олиб борилди. Пишириш жараёнида мухит ҳароратини бир хил бўлишини таъминладик. Пишириш учун олинган ёнғоқ довуччасининг физик-кимёвий таркиби 2-жадвалда берилган.

2-жадвал Ёнғоқ довуччасининг физик-кимёвий таркиби

№	Кўрсатгичлар	Катталиги
1.	Қуруқ модда, %	26,4
2.	Олма кислотасига келтирилган титрланадиган кислоталилик, г/кг	8,75
3.	Кулдорлик, %	6,80

Концентрат қуйидагича тайёрланди: турли концентрацияли шакарли қиёmlар 5 минут давомида, паст ҳароратда қайнатиб олингач, мева ва қиём 1:1 нисбатда аралаштирилди. Ҳосил бўлган аралашманинг массаси қуйидаги формула орқали аниқланди.

$$M_y = 0,5 (\gamma_{\text{ш}} + \gamma_{\text{д}}), \text{г.} \quad (1)$$

Бунда, M_y – 1 л аралашманинг умумий массаси, г;

$\gamma_{\text{ш}}$ – мазкур қанддорликдаги қиём зичлиги, г/дм³;

$\gamma_{\text{д}}$ – ёнғоқ довуччасининг бирлик ҳажм массаси, г.

Interdisciplinary Conference of Young Scholars in Social Sciences

Аралашма қайнаб чиққач, турли муддатларда пишириб олинди. Шу тарзда тайёрланган намуналардаги йод элементининг микдори аниқлаб борилди. Концентратдаги йод элементининг ўртача микдорини юқори аниқликда топиш учун, у совугач, довуччалар қиёмдан олинди ва қиймалагичдан ўтказилди. Ҳосил бўлган масса қиёмга солиниб яхшилаб аралаштирилди.

Демак, турли муддатларда ва турли концентрацияли (40 ва 50 % ли) қиёмда пиширилган ёнғоқ довуччаларидан тайёрланган концентратлар намуналаридағи йод элементи микдори аниқланди. Қиёмда қанд концентрациясининг ошиши ёнғоқ довуччаларининг пишиш вақтини камайтирасада, пишиш олдидан ташкил этувчида йод элементи деярли қолмади. Айниқса, йод элементининг йўқолиши пишириш жараёнининг дастлабки 20-30 минути давомида фаол борди [6].

Шуни ҳам эътироф этиш керакки, концентрат пиширишда ҳарорат юқори бўлмаганлиги сабабли, бундай концентратларни микробиологик бузилишлардан сақлаб қолиш ниҳоятда оғир бўлди. Концентратга микробиологик барқарорлик бериш ва шу билан бирга, йод элементини сақлаб қолиш мақсадида концентрацияси 50-70 % бўлган қиёмда ёнғоқ довуччаси пишиш муддатларини ўрганиб чиқдик (З-жадвал).

З-жадвал Ёнғоқ довуччаларини пиширишда йод элементининг камайиш динамикаси, мг/кг

№	Қиём концен-трацияси, %	Қайнаш ҳарорати, °C	Пишириш вақти, минут						
			3	5	8	10	12	15	18
1	50	101,8	24,4	22,7	21,3	14,4	7,8	3,9	1,7
2	60	103,1	24,2	21,9	20,3	14,2	7,4	2,3	-
3	70	108,1	22,1	20,8	20,1	6,2	4,6	-	-
4	75	110,5	21,7	20,2	18,8	5,7	3,2	-	-

Шундай қилиб, ўтказилган тажрибалар ёнғоқ довуччасидан очиқ усул билан пиширилган концентратларда витаминалар ва йод элементини сақлаб қолиш мумкин эмаслигини кўрсатди. Кейинги тажрибаларда ушбу концентрат таркибида биологик фаол моддаларни максимал сақлаб қолиш борасидаги тадқиқотларимизни келтириб ўтамиз.

Адабиётлар рўйхати

1. Батурин А.К. Химический состав и энергетическая ценность пищевых продуктов. Справочник Макканса и Уиддоусона. СПб.: Профикс, 2003. – 560 с.
2. Бўриев X., Ризаев Р. Мева-узум маҳсулотлари биокимёси ва технологияси. – Т.: Мехнат, 1996. – 108 б.
3. Валентас К. и др. Пищевая инженерия: Справочник с примерами расчетов. СПб.: Профикс, 2004. –848 с.
4. Гореликова Г.А., Маюрикова Л.А., Давыденко Н.И., Слепченко Г.Б. Метод определения йода в пищевых продуктах // Пищевая промышленность. – М., 2003. - № 5. – С. 74-75.
5. Покровский А.А. О биологической и пищевой ценности пищевых продуктов // Вопросы питания, 1975. -№3. -С. 25-40.
6. Фалунина З.Ф. Лабораторный практикум по общей технологии пищевых продуктов. - М.: Пищевая промышленность, 1978. - 272 с.
7. Эгамбердиев Н.Б., Хамидов Н.И., Юсупова Ф.Х. Технология приготовления безалкогольных напитков из соков и трав. - Т.: 1992. УзНИИНТИ, - 78 с.